

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАРИ ТЎПЛАМИ

1-сон
(45)
2015 й.

«Ўзбекистон Республикасининг Халқаро шартномалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига ва «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли қарорига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Халқаро шартномалари тўплами»да Ўзбекистон Республикасининг кучга кирган халқаро шартномалари расман чоп этилади.

В соответствии со статьей 25 Закона Республики Узбекистан «О международных договорах Республики Узбекистан» и постановлением Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2011 года № ПП-1602 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Министерства юстиции Республики Узбекистан» в «Сборнике международных договоров Республики Узбекистан» официально публикуются вступившие в силу международные договоры Республики Узбекистан.

МУНДАРИЖА — СОДЕРЖАНИЕ

ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Кипр Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида Битим (2012 йил 5 апрель, Тошкент)	3
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кетиш шартлари тўғрисида 2000 йил 7 июлда имзоланган Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида Баённома (2012 йил 7 сентябрь, Остана) ...	11
Протокол о внесении изменений и дополнений в Соглашение между	

Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан об условиях взаимных поездок граждан от 7 июля 2000 года (Астана, 7 сентября 2012 года)	13
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида 2015 — 2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида Битим (2014 йил 10 декабрь, Тошкент)	15
Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации об основных направлениях развития и углубления экономического сотрудничества на 2015 — 2019 годы (Ташкент, 10 декабря 2014 года)	21
Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида шахсларни реадмиссия қилиш тўғрисида Битим (2012 йил 7 сентябрь, Остана)	26
Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан о реадмиссии лиц (Астана, 7 сентября 2012 года)	33

ИККИ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМАЛАР — ДВУСТОРОННИЕ ДОГОВОРЫ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Кипр Республикаси Ҳукумати ўртасида жиноятчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида БИТИМ*

2012 йил 5 апрель, Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Кипр Республикаси Ҳукумати, бундан кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар, халқаро жиноятчилик давлатларнинг ривожланиши ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солаётганини англаган ҳолда, жиноятчиликка, айниқса унинг уюшган шакллариغا қарши курашдаги ҳамкорликни чуқурлаштириш ва ривожлантиришнинг муҳимлигини эътиборга олиб, тенглик, ҳамжихатлик ва ўзаро ёрдам принципларига амал қилган ҳолда, **қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:**

1-модда.

Қўлланиш доираси

1. Томонлар ўзларининг миллий қонунчилиги ва ушбу Битим қоидаларига мувофиқ ўз ваколатли органлари орқали жиноятчиликка, айниқса унинг уюшган шакллариغا қарши курашда ҳамкорлик қиладилар.

2. Томонлар ушбу Битим кучга киргандан сўнг бир ой муддат ичида ушбу Битимни амалга ошириш учун масъул бўлган ўз ваколатли органларининг рўйхатлари билан, уларнинг ваколатлари, манзиллари ва бошқа зарур маълумотларни кўрсатган ҳолда алмашадилар. Томонлар ваколатли органларга тааллуқли барча юз бериши мумкин бўлган ўзгаришлар тўғрисида дипломатик каналлар орқали бир-бирини дарҳол хабардор қиладилар.

3. Томонларнинг ваколатли органлари ушбу Битимни амалга ошириш чоғида бир-бири билан бевосита ҳамкорлик қиладилар.

4. Ушбу Битим жинoий ишлар ва экстрадиция бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш масалаларига дахл қилмайди.

2-модда.

Ҳамкорлик соҳалари

1. Томонлар қуйидаги жиноятларга қарши курашда ҳамкорлик қиладилар:

* 2015 йил 27 февралдан кучга кирган (19-модда).

- a) терроризм;
 - b) шахснинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар;
 - c) одам савдоси;
 - d) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши;
 - e) ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи моддалар, ядровий ва радио-актив материаллар ва бошқа ҳамма учун хавфли моддалар, шунингдек икки хил мақсадда қўлланиладиган предметлар ва технологияларнинг ноқонуний айланиши;
 - f) жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш;
 - g) пул белгилари, қимматли қоғозлар ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни қалбакилаштириш, шунингдек улардан ноқонуний фойдаланиш;
 - h) фоҳишаликни эксплуатация қилиш ва вояга етмаганларнинг жинсий эркинлигига қарши жиноятлар;
 - i) ноқонуний миграция;
 - j) божхона қонунчилигини бузиш;
 - k) маданий ва тарихий аҳамиятга эга бўлган объектлар ёки санъат асарларининг контрабандаси;
 - l) автотранспорт воситаларини ўғирлаш ва улар билан ноқонуний операциялар;
 - m) молиявий жиноятлар;
 - n) ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар.
2. Томонлар, шунингдек:
- a) юқори мансабдор шахслар;
 - b) ҳаво ва темир йўл транспорти;
 - c) йўл ҳаракати;
 - d) алоқа тизими хавфсизлигини таъминлаш масалаларида ҳамкорлик қиладилар.
3. Томонлар, шунингдек прекурсорларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва фойдаланиш устидан назорат соҳасида ҳамкорлик қиладилар.

3-модда.

Ҳамкорлик шакллари

1. Томонлар қўйидаги шаклларда ҳамкорликни амалга оширадилар:
- a) жиноятларни очиш ва олдини олишга, шунингдек ушбу Битимнинг 2-моддасига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал қилишга ёрдам бериши мумкин бўлган ахборотларни алмашиш;
 - b) шахслар, ташкилотлар, муассасалар ва фирмалар фаолиятини ўрғаниш, тегишли маълумотлар бўйича шахслар, предметлар ва ҳужжатларни текшириш йўли билан ушбу Битимнинг 2-моддасида назарда тутилган жиноятларни очишда ёрдам кўрсатиш;
 - c) уюшган жиноий гуруҳлар фаолиятига барҳам беришга қаратилган қўшма тадбирларни амалга ошириш;
 - d) шахслар ва мурдалар идентификацияси;

е) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар етказиб берилаётган шахсларни, шунингдек ноқонуний айланишга жалб қилинган ҳар қандай бошқа шахсларни қамоққа олиш учун гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни назорат остида етказиб беришда ҳамкорлик қилиш, бунда зарур маълумотлар мақбул муддатларда тақдим этилади;

ф) стажировкалар, маслаҳатлашувлар ва семинарлар ўтказиш йўли билан иш тажрибасини алмашиш;

г) жиноятчиликка қарши кураш, прекурсорлар устидан назорат қилиш масалалари бўйича қонун ҳужжатлари, уларни қўллаш тўғрисидаги ахборотлар, бошқа маълумотлар, шу жумладан хавфсизликни таъминлаш ҳамда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишини назорат қилиш масалалари юзасидан маълумотлар билан алмашиш.

h) ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўровларни бажариш;

2. Ҳамкорликнинг қўлами ва аниқ шакллари Томонларнинг эҳтиёжлари ва шароитларини, шунингдек муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда ваколатли органларнинг ўзаро келишуви бўйича белгиланиши мумкин.

4-модда.

Белгиланган жиноятлар тўғрисида ахборот алмашиш

1. Ушбу Битимнинг 3-моддаси 1-бандининг (а) кичик бандида назарда тутилган ахборот алмашинуви қуйидаги жиноятларга тааллуқли бўлади:

а) бир Томон давлати ҳудудида гуруҳлар томонидан тайёрланаётган ёки содир этилган жиноятлар, агар бундай гуруҳлар таркибига бошқа Томон давлатининг фуқаролари кирган бўлса ёки бундай жиноятлар ушбу Томоннинг манфаатларига бошқача тарзда дахл қилса;

б) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланишига тааллуқли бўлган жиноятлар, агар улар бир Томондан бошқа Томонга, шу жумладан транзит тарзда учинчи мамлакатлар орқали келиб тушаётган бўлса, шунингдек бир Томон ҳудудида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни ноқонуний тайёрлаш ёки сотишга бошқа Томон фуқаролари жалб қилинганда;

с) жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришдан иборат жиноятлар, бир Томон давлатининг ҳудуди ёки муассасалари ушбу мақсадлар учун бошқа Томон давлатининг фуқаролари томонидан фойдаланилганда.

2. Томонлар улар тарафидан аниқланган прекурсорларни ноқонуний етказиб бериш, ташиш ёки фойдаланиш ҳоллари, бундай турдаги фаолиятни аниқлаш ва унга барҳам бериш бўйича қабул қилинаётган чоралар тўғрисидаги ўзаро аҳамиятга молик бўлган ахборот билан алмашадилар.

5-модда.

Жинойӣ фаолият тўғрисида ахборот алмашиш

Томонлар қуйидагилар тўғрисида ахборот алмашадилар:

а) уюшган гуруҳлар томонидан жиноятларни содир этиш усуллари, уларнинг таркиби, тузилиши, фаолият соҳаси ва жиний алоқалари;

б) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни яшириш усуллари ва уларни топиш методлари, уларни яширинча бошқа жойга кўчириш маршрутлари ва каналлари, ноқонуний айланишга келиб тушадиган гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг янги турлари, уларнинг хусусиятлари ва тайёрлаш технологиялари;

с) террорчилик гуруҳларининг тузилиши ва таркиби, уларнинг фаолият усуллари, улар томонидан фойдаланиладиган техник воситалар, тайёрланаётган ва содир этилган террорчилик ҳаракатлари ва уларга алоқадор шахслар, агар бундай фаолият бошқа Томон давлатининг манфаатларига дахл қилса;

д) жиний фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш усуллари, шундай турдаги фаолиятга алоқадорликда гумон қилинаётган ташкилотлар, муассасалар ва фирмалар;

е) Томонлардан бири давлатининг ушбу Битимнинг 2-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноятларни содир этишда гумон қилинаётган ва бошқа Томон давлатининг ҳудудида доимий равишда яшайдиган ёки вақтинча турган фуқаролари;

ф) бир Томон давлати қонунларининг бошқа Томон давлати фуқаролари тарафидан бузилиши.

6-модда.

Ҳамкорликни амалга ошириш шартлари

1. Ушбу Битим доирасидаги ҳамкорлик ваколатли органларнинг ёзма сўровлари асосида амалга оширилади. Ушбу Битимда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, сўров ҳар бир Томоннинг ваколатли ва/ёки вакил қилинган мансабдор шахслари томонидан имзоланиши лозим.

2. Ваколатли органлар сўровларни бир-бирига бевосита ёки дипломатик каналлар бўйича ва/ёки Халқаро жиний полицияси ташкилоти (Интерпол) орқали юборишлари мумкин. Сўровлар, шунингдек электрон алоқа воситалари ёрдамида ҳам юборилиши мумкин.

3. Сўровга унинг ижросини енгиллаштириш учун мўлжалланган ҳужжатлар, уларнинг нусхалари ёки ҳужжатлардан кўчирмалар, фотосуратлар, аудио, видео ва бошқа материаллар илова қилиниши мумкин.

4. Ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги сўров сўралаётган Томон давлатининг қонунчилигига ва сўровда айтиб ўтилган тартибларга мувофиқ, улар ушбу давлат қонунчилигига зид бўлмаган тақдирда бажарилади. Агар сўровда кўрсатилган ҳаракатларни амалга ошириш сўровни қабул қилган органнинг ваколатига кирмаса, у сўровни ўз давлатининг тегишли органига топширади ва бу ҳақда сўраётган Томонни хабардор қилади.

5. Сўровлар уларда кўрсатилган муддатларда бажарилади. Зарурат тутилганда Томонларнинг ваколатли органлари сўровнинг бажарилишини енгиллаштирувчи қўшимча маълумотларни сўраб олишга ҳақли. Агар сўровни

бажариш сўралаётган Томон давлатида амалга оширилаётган жиноий терговга ёки бошқа ишни юритишга тўсқинлик қилса, уни бажариш сўраётган Томонни хабардор қилиш билан кейинга сурилиши мумкин.

6. Ваколатли органлар терговга зарар етказмаган ҳолда, бундай ҳаракатлар ушбу Битимда назарда тутилганда ёки бу бошқа Томон учун аҳамиятли деб ҳисоблашга асослар бўлганда, ўз ташаббуслари билан олдиндан сўровсиз ушбу Битим доирасида тегишли маълумотларни юборишлари мумкин.

7-модда.

Сўровни бажаришни рад этиш

1. Агар сўровни бажариш инсон ҳуқуқларининг бузилишига сабаб бўлиши, давлатнинг миллий суверенитети ва миллий хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлса ёки сўралаётган Томон давлати миллий қонунчилигига зид бўлса, уни бажариш бутунлай ёки қисман рад этилиши мумкин.

2. Сўровни бажариш рад этилган тақдирда сўралаётган ваколатли орган бу ҳақда рад этиш сабабларини кўрсатган ҳолда ёзма равишда сўраётган ваколатли органни хабардор қилади.

8-модда.

Ҳамкорликнинг бошқа шакллари ва кадрлар тайёрлаш

1. Томонлар жиноятчиликка қарши кураш, шунингдек прекурсорларни ишлаб чиқариш, тарқатиш ва фойдаланишни назорат қилиш мақсадида фан ва техника соҳасидаги тадқиқот дастурларини амалга оширишда ўзаро ҳамкорлик қиладилар. Ушбу мақсадда улар зарур ҳолларда ҳамкорликни ривожлантириш ва ўзаро аҳамиятга эга бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун халқаро конференциялар ва семинарларда иштирок этадилар.

2. Томонлар, шунингдек ваколатли органлар учун кадрлар тайёрлаш, ушбу Битим мақсадларига эришиш учун бир-бирига моддий-техник ва бошқа ёрдам кўрсатиш соҳасидаги алоҳида келишувларга мувофиқ ўзаро манфаатдорлик асосида ҳамкорлик қиладилар.

9-модда.

Жиноятчиликнинг олдин олишдаги ҳамкорлик

1. Томонлар ҳуқуқбузарларни, хусусан вояга етмаганларни реабилитация ва ижтимоий адаптация қилиш бўйича дастурларда иштирок этиш орқали гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилишни камайтириш мақсадида жиноятчиликнинг олдини олишда ҳамкорлик қиладилар. Ушбу мақсадларда Томонлар жазони ижро этиш муассасалари тажрибалари билан алмашадилар ва маҳкумлар шароитларини яхшилашда ҳамкорлик қиладилар ҳамда жазони ўтаб бўлган шахслар учун реабилитация марказлари фаолиятида иштирок этадилар.

2. Томонлар жиноятчиликнинг олдини олиш ва унинг ортишига имкон берувчи шароитларни бартараф қилиш мақсадида ўзларининг давлат ва

жамоат муассасалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйишни қўллаб қувватлайдилар.

10-модда.

Ахборотдан фойдаланиш

1. Томонлар ўз ваколатли органлари бир-бирларидан оладиган ахборот ёпиқ хусусиятга эга бўлса ёки ахборот юбораётган Томон унинг ошкор этилишини лозим топмаса, ушбу ахборотнинг махфийлигини таъминлашлари тўғрисида келишиб олдилар. Мазкур қоида Томонлар бир-бирларидан оладиган техник воситалар, жиҳозлар ва материалларга ҳам дахлдор бўлиши мумкин.

2. Учинчи томонга ёки ушбу Битимга кўра ваколатли орган ҳисобланмаган бошқа миллий органга ушбу Битим доирасида олинган махфий ахборот, техник воситалар, жиҳозлар ва материалларни бериш зарур бўлганда уларни тақдим этган ваколатли органнинг олдиндан ёзма розилиги талаб этилади.

11-модда.

Шахсга оид маълумотларни ҳимоя қилиш

Ҳамкорлик доирасида тақдим этилган шахсга оид маълумотлар ҳимоясини таъминлашда ҳар бир Томон ўз миллий қонунчилигини қўллайди ва қуйидаги шартларга розилик билдиради:

а) қабул қилувчи Томон шахсга оид маълумотлардан фақат кўрсатилган мақсадларда ва юбораётган Томон белгиланган шартлар асосида фойдаланиши мумкин;

б) маълумотни тақдим этган Томоннинг сўрови бўйича қабул қилувчи Томон унга олинган маълумотлардан фойдаланганлиги ва эришилган натижалар бўйича ахборот юборади;

в) шахсга оид маълумотлар фақат Томонларнинг ушбу Битимга мувофиқ вакил қилиб белгиланган ваколатли органларига юборилиши мумкин;

г) шахсга оид маълумотларни учинчи томонга бериш учун уларни тақдим этган Томоннинг олдиндан ёзма розилиги талаб этилади;

д) Томонлар ушбу Битим доирасида олинган шахсга оид маълумотларни руҳсатсиз олиш, фойдаланиш, ўзгартириш, йўқ қилиш, тарқатиш ва нашр қилишдан тегишли равишда ҳимоя қилинишини таъминлайдилар.

12-модда.

Тижорат асосида ташувчилар

1. Томонлар тижорат асосида ташувчилар томонидан халқаро йўловчи ва юк ташишларда ишлатилаётган транспорт воситаларидан ушбу Битимнинг 2-моддасида кўрсатиб ўтилган жиҳозларни содир этиш учун фойдаланилмаслигини таъминлаш мақсадида керакли чораларни кўрадилар. Бундай чоралар тижорат асосида ташувчилар билан махсус келишувларни ўз ичига олиши мумкин.

2. Томонлар тижорат асосида ташувчиларга уларнинг транспорт воситаларидан жиноят содир этиш учун фойдаланилишини бартараф қилиш мақсадида зарур эҳтиёт чоралари кўриш мажбуриятини юклайдилар.

3. Томонлар транспорт воситалари ва юкларнинг рухсатсиз олинишига йўл қўймаслик ва тегишли хавфсизлик чораларини кўриш мақсадида чегарадан ўтиш жойларида ва бошқа божхона назорати зоналарида тижорат ташувчилар билан тегишли органлар ўртасида ҳамкорликни таъминлайдилар.

13-модда.

Харажатлар ва мажбуриятлар

1. Томонлар улар ўз мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган даражада ушбу Битимни бажариш бўйича мустақил харажат қиладилар.

2. Зарурият туғилганда Томонлар ушбу Битимдан келиб чиқадиган харажатларни амалга ошириш учун биргаликда харажат қиладилар ва бу ҳар бир алоҳида ҳолатда ўзаро келишувлар асосида расмийлаштирилади. Томонларнинг биргаликдаги харажатлар бўйича мажбуриятлари ушбу келишувлар билан тартибга солинади.

3. Томонлар зарур ҳолларда ушбу Битимнинг 2-моддасида кўрсатиб ўтилган жиноятларга барҳам бериш бўйича аниқ масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган жихозлари ва материаллар билан беғараз ёрдам кўрсатишлари мумкин.

14-модда.

Ҳамкорлик тили

Ушбу Битим доирасидаги ҳамкорликни амалга оширишда инглиз тилидан фойдаланилади.

15-модда.

Қўшма комиссия

1. Зарурият туғилганда, Томонлар ушбу Битим доирасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш мақсадида, у кучга киргандан сўнг Томонлар тарафидан тайинланган аъзолардан иборат Қўшма комиссияни тузишлари мумкин.

2. Қўшма комиссия ўзаро аҳамиятга эга бўлган масалаларни кўриб чиқиш ва тегишли қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган вақтда навбати билан Ўзбекистон Республикасида ва Кипр Республикасида йиғилиб туради.

3. Томонлар улар тарафидан Қўшма комиссияда иштирок этиш учун тайинланган шахсларнинг исмлари ва улар билан алоқа қилиш учун маълумотлар ҳақида дипломатик каналлар орқали бир-бирини хабардор қиладилар.

4. Ушбу Битимни амалга ошириш мақсадида Томонлардан ҳар бири ўзининг марказий ваколатли органларидаги ўзгаришлар тўғрисида бошқа Томонни дипломатик каналлар орқали хабардор қилади.

16-модда.

Низоларни ҳал этиш

Ушбу Битимни талқин қилиш ёки қўллаш билан боғлиқ ҳар қандай низолар Томонлар ўртасида маслаҳатлашувлар ва музокаралар йўли билан ҳал этилади.

17-модда.

Бошқа шартномаларга дахлдорлик

Ушбу Битим Томонларнинг, улар иштирокчиси бўлган бошқа халқаро шартномалар бўйича мажбуриятларига дахл қилмайди.

18-модда.

Ўзгартиш ва қўшимчалар

1. Томонларнинг ўзаро келишуви бўйича, ушбу Битимга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган протоколлар билан расмийлаштириладиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Мазкур ўзгартишлар ушбу Битимнинг 19-моддасига мувофиқ кучга кирилади.

2. Томонлар ёки уларнинг ваколатли органлари ушбу Битимнинг алоҳида қоидаларини амалга ошириш мақсадида қўшимча битимлар ва протоколлар тузишлари мумкин.

19-модда.

Битимнинг кучга кириши, амал қилиш муддати ва амал қилишдан тўхташи

1. Ушбу Битим Томонларнинг унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларининг бажарилганлиги тўғрисидаги охириги хабарнома олинган санадан сўнг 30 кун ўтгач кучга кирилади.

2. Ушбу Битим номаълум муддатга тузилади ва Томонлардан бири ўзининг ушбу Битимнинг амал қилишини тўхтатиш мақсади тўғрисида дипломатик каналлар орқали хабар бермагунча амал қилишда давом этади. Бу ҳолда Битимнинг амал қилиши бошқа Томон денонсация тўғрисидаги бундай хабарномани олган кундан кейин олти ой ўтгач тўхтатилади.

Ўзларининг тегишли Ҳукуматлари томонидан бунга ваколат берилган Томонларнинг вакиллари шунга гувоҳлик бериб ва тасдиқлаб, ушбу Битимни имзоладилар.

2012 йил 5 апрелда Тошкент шаҳрида ҳар бири ўзбек, грек ва инглиз тилларида бўлган икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга. Ушбу Битим қоидаларини талқин қилишда келишмовчиликлар юзага келганда инглиз тилидаги матн устувор ҳисобланади.

(имзолар)

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон
Республикаси Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро
келиб-кетиш шартлари тўғрисида 2000 йил 7 июлда имзоланган
Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида
БАЁННОМА***

2012 йил 7 сентябрь, Остана

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар,

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида фуқароларнинг ўзаро келиб-кетиш шартлари тўғрисида 2000 йил 7 июлда имзоланган Битимнинг (кейинги ўринларда — Битим) 15-моддасига мувофиқ,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда

Мазкур Баённоманинг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган ҳужжатлар Томонлар давлатларининг ҳудудларига кириш, чиқиш, транзит ўтиш, вақтинча туриш ҳуқуқини берувчи ҳақиқий ҳужжатлар қаторига киради.

Мазкур Баённоманинг 1 ва 2-иловалари Битимнинг 1 ва 2-иловалари ўрнига ишлатилади.

2-модда

Мазкур Баённома Битимнинг ажралмас қисми ҳисобланади ва Битимнинг 17-моддасида назарда тутилган тартибда кучга киради. Мазкур Баённома Битим билан бир вақтда амал қилишдан тўхтайдди.

Остана шаҳрида 2012 йил 7 сентябрь куни ҳар бири ўзбек, қозоқ ва рус тилларида бўлган икки асл нусхада тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.

Мазкур Баённома қоидаларини талқин қилишда ихтилофлар келиб чиқса, Томонлар рус тилидаги матнга мурожаат қиладилар.

(имзолар)

* 2015 йил 5 мартдан кучга кирган (17-модда).

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан
Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида
фуқароларнинг ўзаро келиб-кегиш шартлари
тўғрисида 2000 йил 7 июлда имзоланган
Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида Баённомага
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг Қозоғистон
Республикаси ҳудудига кириши, чиқиши, транзит ўтиши,
вақтинча туриши учун лозим ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг дипломатик паспорти (биометрик турдаги).
2. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг дипломатик паспорти (биометрик бўлмаган турдаги — 2015 йил 31 декабргача).
3. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти (биометрик турдаги).
4. Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспорти (биометрик бўлмаган турдаги — 2015 йил 31 декабргача).
5. 16 ёшга етмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг гувоҳномаси (вояга етмаган фуқаролар учун транспортда юриш ҳужжати — 2015 йил 31 декабргача).
6. Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун сертификат (фақат Ўзбекистон Республикасига қайтиш учун).
7. Ҳаво кемаси экипаж аъзосининг гувоҳномаси (экипаж таркибида парвоз қилиш вақтида).
8. Ҳукуматлараро фельдъегер хизмати ходимининг шахсий гувоҳномаси.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан
Қозоғистон Республикаси Ҳукумати ўртасида
фуқароларнинг ўзаро келиб-кегиш шартлари
тўғрисида 2000 йил 7 июлда имзоланган
Битимга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида Баённомага
2-ИЛОВА

**Қозоғистон Республикаси фуқароларининг Ўзбекистон
Республикаси ҳудудига кириши, чиқиши, транзит ўтиши,
вақтинча туриши учун лозим ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Қозоғистон Республикаси фуқаросининг дипломатик паспорти.
2. Қозоғистон Республикаси фуқаросининг хизмат паспорти.

3. Қозоғистон Республикаси фуқаросининг паспорти.
4. Қозоғистон Республикаси фуқаросининг электрон маълумот сақланадиган паспорти
5. Ҳаво кемаси экипаж аъзосининг гувоҳномаси (экипаж таркибида парвоз қилиш вақтида)
6. Қозоғистон Республикасига қайтиш учун гувоҳнома (фақат Қозоғистон Республикасига қайтиш учун)
7. Ҳукуматлараро фельдъегер хизмати ходимининг шахсий гувоҳномаси

ПРОТОКОЛ*

о внесении изменений и дополнений в Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан об условиях взаимных поездок граждан от 7 июля 2000 года

Астана, 7 сентября 2012 года

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Республики Казахстан, именуемые в дальнейшем Сторонами,
в соответствии со статьей 15 Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан об условиях взаимных поездок граждан от 7 июля 2000 года (далее — Соглашение),
согласились о нижеследующем:

Статья 1

К действительным документам, дающим право на въезд, выезд, следование транзитом, временное пребывание на территориях государств Сторон, относятся документы, указанные в Приложениях № 1 и № 2 к настоящему Протоколу.

Приложения №№ 1 и 2 к настоящему Протоколу заменяют собой Приложения №№ 1 и 2 к Соглашению.

Статья 2

Настоящий Протокол является неотъемлемой частью Соглашения и вступает в силу в порядке, предусмотренным статьей 17 Соглашения. Настоящий Протокол прекращает действие одновременно с Соглашением.

Совершено в городе Астана 7 сентября 2012 года в двух экземплярах,

* Вступило в силу со 5 марта 2015 года (статья 17).

каждый на узбекском, казахском и русском языках, причем все тексты имеют одинаковую силу.

В случае возникновения разногласий при толковании положений настоящего Протокола Стороны будут руководствоваться текстом на русском языке.

(подписи)

ПРИЛОЖЕНИЕ № 1

к Протоколу о внесении изменений и дополнений в Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан об условиях взаимных поездок граждан от 7 июля 2000 года

ПЕРЕЧЕНЬ

документов для въезда, выезда, следования транзитом, временного пребывания граждан Республики Узбекистан на территории Республики Казахстан

1. Дипломатический паспорт гражданина Республики Узбекистан (биометрического образца).
2. Дипломатический паспорт гражданина Республики Узбекистан (не биометрического образца — до 31 декабря 2015 года).
3. Паспорт гражданина Республики Узбекистан (биометрического образца).
4. Паспорт гражданина Республики Узбекистан (не биометрического образца — до 31 декабря 2015 года).
5. Удостоверение гражданина Республики Узбекистан, не достигшего 16-летнего возраста (проездной документ для несовершеннолетних граждан — до 31 декабря 2015 года).
6. Сертификат на возвращение в Республику Узбекистан (только для возвращения в Республику Узбекистан).
7. Удостоверение члена экипажа воздушного судна (во время следования в составе экипажа).
8. Удостоверение личности сотрудника межправительственной фельдъегерской службы.

ПРИЛОЖЕНИЕ № 2

к Протоколу о внесении изменений и дополнений в Соглашение между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Республики Казахстан об условиях взаимных поездок граждан от 7 июля 2000 года

ПЕРЕЧЕНЬ

документов для въезда, выезда, следования транзитом, временного пребывания граждан Республики Казахстан на территории Республики Узбекистан

1. Дипломатический паспорт гражданина Республики Казахстан.
2. Служебный паспорт гражданина Республики Казахстан.
3. Паспорт гражданина Республики Казахстан.
4. Паспорт гражданина Республики Казахстан, содержащий электронные носители информации.
5. Удостоверение члена экипажа воздушного судна (во время следования в составе экипажа).
6. Свидетельство для возвращения в Республику Казахстан (только для возвращения в Республику Казахстан).
7. Удостоверение личности сотрудника межправительственной фельдъегерской службы.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида 2015 — 2019 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида БИТИМ*

2014 йил 10 декабрь, Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати, кейинги ўринларда «Томонлар» деб аталувчилар, стратегик шериклар ҳисобланиб, шу жумладан иқтисодий соҳада, Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисида 2004 йил 16 июнда имзоланган Шартнома, Ўзбекистон Республикаси билан Россия

* 2015 йил 14 апрелдан кучга кирган (6-модда).

Федерацияси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисида 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Шартнома ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси ўртасида стратегик шерикчиликни чуқурлаштириш тўғрисида 2012 йил 4 июнда имзоланган Декларацияга амал қилган ҳолда,

жаҳон иқтисодиётидаги замонавий талаб ва тенденцияларни ҳисобга олиб, иккала давлат ўртасида кенг қамровли ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий ва транспорт-коммуникациялари соҳасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш муҳимлигини эътироф этиб,

икки томонлама иқтисодий муносабатларни узоқ муддатли асосда ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш, уларни сифат жиҳатидан янги поғонага олиб чиқиш мақсадида,

ўзаро савдо ҳажмларининг барқарор ўсишини таъминлашга, иқтисодий ҳамкорлик йўналишларини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратишга интилиб,

қуйидагилар тўғрисида келишиб олдилар:

1-модда.

Битимнинг асосий мақсад ва вазифалари

Ушбу Битим қуйидаги мақсадларда ишлаб чиқилди ва қўлланилади:

иқтисодий ҳамкорликнинг барқарор ривожланишини, иқтисодий соҳада узоқ муддатли икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш бўйича келишилган чоралар мажмуини Томонлар давлатлари тарафидан амалга оширилишини таъминлаш;

савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш ва илгари суриш;

миллий иқтисодиётнинг юқори суратларда барқарор ўсишига ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишга эришиш мақсадида иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш;

товар айланмаси ҳажмини ошириш ва тузилмасини такомиллаштириш, Томонлар давлатларининг корхона ва компаниялари ўртасида ўзаро манфаатли шериклик алоқаларини кенгайтиришга кўмаклашиш ва уларни рағбатлантириш;

инвестиция соҳасида ҳамкорликни фаоллаштириш, иккала давлатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш;

миллий иқтисодиёт тузилмасини диверсификация қилишга қаратилган, энг аввало, саноатнинг қайта ишлаш тармоқларида, инновация ва юқори технология соҳаларида ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг замонавий тармоқларидаги қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш;

ўзаро манфаатли асосда транспорт ва юқларни транзит ташиш соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

молия-банк соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш.

Битим мақсадларига эришиш учун Томонлар қуйидаги вазифаларни ҳал этадилар:

иқтисодий соҳада олий даражада эришилган келишувларни кенг миқёсда амалга оширилишини таъминлаш;

икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ўзаро манфаатли ва тенг ҳуқуқлилик асосида кенгайтириш ва ривожлантириш;

икки давлат ўртасида иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамкорлик қилиш масалалари бўйича Томонлар давлатлари ўртасида амалда бўлган халқаро шартномаларга риоя этилишини таъминлаш;

иқтисодий ҳамкорликнинг норматив-ҳуқуқий базасини кенгайтириш ва такомиллаштириш;

товар айланмаси ўсиши ва тузилмасини такомиллаштириш, инвестициявий ҳамкорлик ҳажмини кенгайтириш ва йўналишларини диверсификация қилиш учун қулай шароитлар яратиш;

илғор тажриба ва технологияларни жорий қилиш асосида замонавий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш бўйича қўшма лойиҳаларни илгари суриш;

агросаноат мажмуида, шу жумладан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш соҳасида узоқ муддатли ҳамкорлик ва тажриба алмашишни ривожлантириш;

Томонлар давлатларининг корхона ва компаниялари ўртасида узоқ муддатли шериклик алоқаларини ўрнатишга, шунингдек қўшма корхоналар ташкил этиш ва уларнинг фаолиятига кўмаклашиш;

транспорт-коммуникация соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш, юklar ташиш ҳажмини ошириш, минтақавий транспорт йўлаклари ва инфратузилмаларидан самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш;

молия ва банк соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш.

2-модда.

Савдо соҳасида ҳамкорлик

Томонлар икки томонлама савдо муносабатларини янада ривожлантиришда, товар айланмаси номенклатурасини диверсификация қилишда, унинг барқарор ўсишини таъминлаш ва мувозанат ҳолатига эришишда кўмаклашадилар.

Томонлар савдо алоқаларини кенгайтириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича ҳамкорликни давом эттирадилар.

Иккала давлатнинг иқтисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, Томонлар товар айланмаси ҳажмини ошириш ва унинг тузилмасини такомиллаштириш учун қўшимча имкониятларни аниқлаш, шу жумладан ўзаро қизиқиш уйғотадиган тайёр маҳсулот ва юқори даражада қўшимча қийматга эга бўлган товарларни бир-бирига етказиб беришни кенгайтириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш ҳисобига амалга ошириш бўйича чоралар кўрадилар.

Томонлар мунтазам равишда савдо-саноат палаталарига ва ўзбек-рус

тадбиркорларининг бошқа бирлашмаларига мустаҳкам шериклик муносабатларини ўрнатишда ҳамда иккала давлат корхона ва компаниялари ўртасида узоқ муддатли ташқи савдо битимларини тузишда, ишбилармон доираларнинг ўзаро ташрифларини ташкил этишда, қўшма кўргазмалар, бизнес форумлар, «давра суҳбатлари», презентациялар, музокара ва учрашувлар ҳамда бошқа тадбирлар ўтказишда ёрдам кўрсатадилар.

Томонлар икки давлат корхона ва компанияларини, шу жумладан, кичик бизнес корхоналарини Томонлар давлатлари ҳудудларида ўтказиладиган халқаро кўргазма-ярмарка тадбирларига жалб қилишга ва фаол иштирок этишларига кўмаклашадилар.

Томонлар ташқи иқтисодий фаолият соҳасида, шунингдек савдо, божхона бошқаруви ва солиққа тортиш соҳаларида ахборот алмашиш амалиётини давом эттиришга кўмаклашадилар.

3-модда.

Инвестиция соҳасида ҳамкорлик

Томонлар инвестиция, энг аввало, хом ашё бўлмаган соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантирадилар, ўзаро инвестицияларни диверсификация қилиш ва уларнинг ҳажмини ошириш бўйича чоралар кўрадилар.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида 2013 йил 15 апрелда имзоланган Битим қоидаларига мувофиқ, Томонлардан бири давлатининг инвесторлари бошқа Томон давлати ҳудудида инвестициявий фаолиятини амалга оширишлари учун қулай шароитларни яратишга бўлган интилишларини тасдиқлайдилар.

Томонлар саноатнинг турли тармоқларида қўшма лойиҳаларни амалга оширишга кўмаклашадилар, шу жумладан:

- нефть ва газ мажмуаси;
- машинасозлик;
- асбоб-ускуналар ишлаб чиқариш;
- электротехника соҳаси;
- телекоммуникация;
- енгил ва озиқ-овқат саноати;
- қурилиш материалларини ишлаб чиқариш;
- ўзаро манфаатли бошқа йўналишлар.

Томонлар инновация ва юқори технологиялар соҳаларида ҳамкорликни ривожлантиришга, энергия самарадорлигини ошириш ҳамда энергияни тежаш технологияларини жорий этиш, биотехнологиялар ва муқобил энергетикани ривожлантириш соҳаларида ҳамжихатлик қилишга интилади.

Томонлар узоқ муддат давомида ишловда бўлган нефть ва газ қазилмаларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан илғор ишлов беришни жорий этишнинг қўшма дастурларини ишлаб чиқишга кўмаклашадилар.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида 2013 — 2017 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик Дастури ва унинг Режаси қоидаларини амалга оширишда кўмаклашадилар. Мазкур ҳужжатларнинг амал қилиш муддати тугагандан сўнг, янги дастур ва режа ҳужжатлари ишлаб чиқилади ва қабул қилинади.

Томонлар инвестициявий муҳит, амалдаги имтиёз ва преференциялар, ушбу соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар ҳамда истиқболли инвестиция лойиҳалари бўйича таклифлар алмашинувига ва ҳамкорлик ўрнатишга кўмаклашадилар.

Томонлар иккала давлат корхона ва компанияларининг инвестиция форумлари ва презентацияларида иштирок этишига, қўшма ҳамкорлик лойиҳаларини илгари суриш бўйича ўзаро ташрифлар, музокара ва учрашувлар ташкил этишга кўмаклашадилар.

4-модда.

Транспорт ва коммуникация соҳасида ҳамкорлик

Томонлар транспорт ва коммуникация соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик устувор характерга эга эканлигини таъкидладилар.

Томонлар автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатнови соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантирадилар, миллий ташувчилар фаолияти, мавжуд транзит салоҳиятидан ҳамда амалдаги инфратузилмадан самарали фойдаланиш учун қулай шароитлар яратадилар.

Томонлар амалдаги ва истиқболдаги халқаро ҳамда минтақавий транспорт йўлақларининг рақобатбардошлигини ривожлантириш ва ошириш соҳасида, шу жумладан юкларни ташиш учун қулай тариф шартларини шакллантириш орқали ўзаро манфаатли ҳамкорликни давом эттирадилар.

Томонлар ташқи савдо юкларини, энг аввало, тез бузиладиган юкларни транспортда ташиш ва транзит ташувларда уларни сақлаш ва ташиш хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ўзаро ҳамкорлик қиладилар.

Томонлар иккала давлат транспорт идоралари, транспорт-экспедиторлик ассоциациялари ва корхоналари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилишига, уларнинг Томонлар давлатлари ҳудудларида ўтказиладиган халқаро транспорт конференцияларида, форумларида ва бошқа тадбирларида иштирок этишларига кўмаклашадилар ҳамда транспорт ва юклар транзити соҳасида ахборот ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан алмашинувини амалга оширадилар.

Томонлар транспорт соҳасидаги халқаро ва минтақавий ихтисослашган ташкилотлар доирасида фаол ҳамкорлик қиладилар.

Томонлар коммуникация ва алоқа соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантирадилар, ушбу йўналишдаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишда ёрдам кўрсатадилар.

5-модда.

**Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида
иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссия**

Мазкур Битим ижроси Томонлар давлати органлари тарафидан ушбу Битимнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ белгиланган муайян хатти-ҳаракатларни бажариш орқали амалга оширилади.

Томонлар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссия ўз йиғилишларида мазкур Битимнинг ижро этилишини мунтазам тарзда кўриб чиқишига ҳамда ушбу Битим доирасида амалга ошириладиган тадбирларни ўз вақтида бажарилишининг назоратини ва мувофиқлаштирувини олиб боришига келишдилар.

6-модда.

Битимнинг кучга кириши ва амал қилиш муддати

Мазкур Битим Томонлар унинг кучга кириши учун зарур бўлган давлат ички процедураларини бажарганликларини тасдиқловчи ёзма равишдаги икки хабарномадан охиригисини дипломатик каналлар орқали олган санадан кучга киради ва 2019 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

Томонларнинг ҳар бири мазкур Битим амал қилишини унинг муддати тугашидан олдин ёзма тарзда бошқа Томонга хабарнома юбориш орқали тугатиши мумкин. Бундай ҳолатда ушбу Битимнинг амал қилиши шундай хабарнома олинган санадан бошлаб олти ой ўтганидан сўнг тугатилади.

Мазкур Битим амал қилишининг тугатилиши унинг амалда бўлган даврида ушбу Битим доирасида тузилган контракт ва келишувлардан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларга нисбатан дахл қилмайди.

Тошкент шаҳрида 2014 йил 10 декабрда икки нусхада, ҳар бири ўзбек ва рус тилларида тузилди, бунда иккала матн ҳам бир хил кучга эга.

(имзолар)

СОГЛАШЕНИЕ*
между Правительством Республики Узбекистан и
Правительством Российской Федерации об основных
направлениях развития и углубления экономического
сотрудничества на 2015 — 2019 годы

Ташкент, 10 декабря 2014 года

Правительство Республики Узбекистан и Правительство Российской Федерации, далее именуемые Сторонами, являясь стратегическими партнерами, в том числе в экономической сфере,

руководствуясь Договором о стратегическом партнерстве между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией от 16 июня 2004 г., Договором о союзнических отношениях между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией от 14 ноября 2005 г., а также в целях реализации положений Декларации об углублении стратегического партнерства между Республикой Узбекистан и Российской Федерацией от 4 июня 2012 г.,

признавая важность дальнейшего расширения и укрепления полномасштабного взаимовыгодного торгово-экономического, инвестиционного, транспортно-коммуникационного и финансового сотрудничества между обоими государствами с учетом современных условий и тенденций в мировой экономике,

в целях развития и углубления двусторонних экономических отношений на долгосрочной основе, их вывода на качественно новый уровень,

стремясь к достижению устойчивого роста объемов взаимной торговли, формированию благоприятных условий для расширения направлений экономического сотрудничества,

договорились о нижеследующем:

Статья 1.

Основные цели и задачи Соглашения

Настоящее Соглашение разработано и принимается в целях:

обеспечения стабильного развития экономического сотрудничества, реализации государствами Сторон комплекса согласованных мер по дальнейшему развитию и углублению двусторонних отношений в экономической сфере на долгосрочной основе;

определения и продвижения приоритетных направлений торгово-экономического сотрудничества;

углубления экономического взаимодействия в интересах достижения устойчиво высоких темпов роста национальных экономик и повышения их конкурентоспособности;

увеличения объемов и совершенствования структуры товарооборота,

* Вступило в силу с 14 апреля 2015 года (статья 6).

содействия и стимулирования расширения взаимовыгодных партнерских связей между предприятиями и компаниями государств Сторон;

активизации взаимодействия в инвестиционной сфере, повышения инвестиционной привлекательности обоих государств;

поддержки совместных проектов, направленных на диверсификацию структуры национальных экономик, прежде всего в обрабатывающих отраслях промышленности, в инновационной и высокотехнологичных сферах и в современных отраслях сферы услуг;

дальнейшего развития и укрепления сотрудничества в области транспорта и транзита грузов на взаимовыгодной основе;

развития взаимовыгодного сотрудничества в финансово-банковской сфере.

Для достижения целей Соглашения Стороны будут решать следующие задачи:

обеспечивать полномасштабную реализацию договоренностей в экономической сфере, достигнутых на высшем уровне;

развивать и расширять двусторонние торгово-экономические отношения на взаимовыгодной и равноправной основе;

обеспечивать соблюдение международных договоров, действующих между государствами Сторон, по вопросам сотрудничества между обоими государствами в различных отраслях экономики;

расширять и совершенствовать нормативно-правовую базу экономического сотрудничества;

формировать благоприятные условия для роста и совершенствования структуры товарооборота, увеличения объемов и диверсификации направлений инвестиционного сотрудничества;

продвигать совместные проекты по созданию современных производств на основе внедрения передового опыта и технологий, повышению качества и конкурентоспособности выпускаемой продукции;

развивать долгосрочное сотрудничество и обмен опытом в агропромышленном комплексе, в том числе в области поставок сельскохозяйственной продукции;

содействовать установлению долгосрочных партнерских связей между предприятиями и компаниями государств Сторон, а также созданию и деятельности совместных предприятий;

расширять взаимовыгодное сотрудничество в транспортно-коммуникационной сфере, формировать благоприятные условия для роста грузоперевозок, эффективного использования региональных транспортных коридоров и инфраструктуры;

развивать взаимодействие в финансовой и банковской сферах.

Статья 2.

Сотрудничество в торговой сфере

Стороны будут способствовать дальнейшему развитию двусторонних

торговых отношений, диверсификации номенклатуры, обеспечению устойчивого роста товарооборота и достижению его сбалансированного характера.

Стороны продолжают сотрудничество по формированию благоприятных условий для расширения торговых связей.

С учетом экономического потенциала обоих государств Стороны примут меры по выявлению резервов для наращивания объемов товарооборота и совершенствованию его структуры, в том числе за счет расширения взаимных поставок готовой продукции и товаров с высокой добавленной стоимостью, представляющих взаимный интерес, а также поставок сельскохозяйственной продукции.

Стороны будут на регулярной основе оказывать содействие торгово-промышленным палатам и иным объединениям узбекских и российских предпринимателей в налаживании устойчивых партнерских отношений и заключении долгосрочных внешнеторговых сделок между предприятиями и компаниями обоих государств, организации взаимных визитов деловых кругов, проведении совместных выставок, бизнес-форумов, «круглых столов», презентаций, переговоров и встреч, а также других мероприятий.

Стороны будут содействовать привлечению и активному участию предприятий и компаний обоих государств, в том числе предприятий малого бизнеса, в международных выставочно-ярмарочных мероприятиях, проводимых на территориях государств Сторон.

Стороны будут содействовать продолжению практики обмена информацией в области внешнеэкономической деятельности, включая сферы торговли, таможенного администрирования и налогообложения.

Статья 3.

Сотрудничество в инвестиционной сфере

Стороны будут развивать взаимовыгодное сотрудничество в инвестиционной сфере, принимать меры по увеличению объемов и диверсификации взаимных инвестиций, прежде всего в несырьевых отраслях.

Стороны подтверждают стремление создавать благоприятные условия для осуществления инвестиций инвесторов государства одной Стороны на территории государства другой Стороны в соответствии с положениями Соглашения между Правительством Республики Узбекистан и Правительством Российской Федерации о поощрении и взаимной защите инвестиций от 15 апреля 2013 г.

Стороны будут способствовать реализации совместных проектов в различных отраслях промышленности, включая:

- нефтегазовый комплекс;
- машиностроение;
- приборостроение;
- электротехническую отрасль;
- телекоммуникации;
- легкую, пищевую промышленность;
- производство строительных материалов;

другие направления, представляющие взаимный интерес.

Стороны будут стремиться развивать сотрудничество в инновационной и высокотехнологичных сферах, взаимодействовать в области внедрения энергоэффективных и энергосберегающих технологий, развития биотехнологий и альтернативной энергетики.

